Салихов Хусан Равшанович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

Самадов Шукрат Журақулович — Нарпай тумани ҳокимининг ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

Санаев Шерали Чориевич — Миришкор тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

Себаров Бекзод Насимович — “Uzbekistan GTL” масъулияти чекланган жамиятининг цех муҳандис-технологи, Қашқадарё вилояти

Сувонов Тўйчибой Ғаниевич — “Кўприкқурилиш трести” унитар корхонасининг 13-кўприкқурилиш отряди бетончиси

Султанов Рустам Давранович — “Glass Expo” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Таджибаев Баходир Тулкунович — Тошкент шаҳридаги “4-автобус саройи” масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси

Таджиддинов Айбек Таджимуратович — “Устюртгаз” казиб чиқариш бошқармасининг “Шарқий Бердах” участкаси устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Танирбергенов Муратбек Манибекович — Нукус шаҳридаги “Муратбек-мебель” масъулияти чекланган жамияти бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Туйчиев Самандар Турсунбаевич — Поп тумани Чоркесар қишлоғидаги чўпон, Наманган вилояти

Тўлиев Юсуб Қўзиевич — Урганч туманидаги “Урганч тумани МТТИ” масъулияти чекланган жамияти “Магнум” оператори, Хоразм вилояти

Тўрабов Рустам Хакимжонович — “Uzbekistan airways” акциядорлик жамияти “Боинг” учувчилар отряди командири ўринбосари

Турсунов Азамат Гаппорович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

Турсунов Бердимурат Тухтасинович — “Ўзсувтаъми-нот” акциядорлик жамияти бош мутахассиси

Уктамов Ахроржон Уктамович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “Ёшлик-1” кони тоғ-кон транспорти комплекси бош муҳандиси, Тошкент вилояти

Усманов Акмал Хамидуллаевич — Наманган туманидаги “Келажак Мега Строй” масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

Файзуллаев Хайрулла Илхамович — “Enter Engineering Pte. Ltd.” компаниясининг саноат ва фуқаролик объектларини қуриш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Фарманов Зиёдулло Рустамович — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Салор темир йўл масофаси темир йўл устаси

Хабибуллаев Бахитжан Сагидуллаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири

Хаджижанов Борийхон Абирханович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

Хайдаров Шокир Валерьевич — Бекобод туманидаги “Green Agro Food” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент вилояти

Хайруллаев Лутфулло Ахатович — Навбаҳор тумани ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағаллиқни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Навоий вилояти

Хайтмуродов Бекзод Набиевич — “O‘zguven Mimarlik Inshaat” масъулияти чекланган жамияти кран машинисти, Тошкент шаҳри

Хакимов Джамшид Юсупович — Арнасой туманидаги “Amasoy Gold Tex” қўшма корхонаси таъсисчиси, Жиззах вилояти

Халилов Умарбек Яхшимуродович — Нурота тумани ҳокими, Навоий вилояти

Халимов Ахрор Кодирович — Наманган шаҳридаги “Мусаффо полимер” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Хамрохўжаев Темур Хайрулла ўғли — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

Холиков Жамшид Камолович — “Шахрисабзфарм” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Холматов Комол Шерматович — Форш туманидаги “Буюк Жавоҳир тимсоли” фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Холмуродов Комил Адхамович — Жиззах шаҳар ҳокими, Жиззах вилояти

Худайберганов Шокиржон Қодамбаевич — Урганч туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Хоразм вилояти

Хўжанов Атабек Облакулович — “Кўприкқурилиш трести” унитар корхонасининг 67-кўприкқурилиш отряди темир-бетон конструкциялари монтажчиси

Хусанова Мухтабар Акбаровна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

Чаршиникова Оксана Станиславовна — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илгор технологиялар маркази лаборатория мудири

Шерматов Улуғбек Убайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

Шукуров Ориф Жумабаевич — Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Жиззах вилояти Кенгаши раиси

Эшматов Сафарали Эралиевич — “Гидромахсуску-рилиш” акциядорлик жамиятининг “Қуйи Чотқол” қурилиш участкаси бургиловчиси

Эшмуродов Ғофур Шерматович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

Юсупов Азиз Кохрамович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “Ёшлик-1” кони “БелАЗ” ҳайдовчиси, Тошкент вилояти

Юсупов Носир Фатихович — Булунғур туманидаги “Bulungur-Sandvik” агрофирмаси раҳбари, Самарқанд вилояти

Юсупов Тенизбай Кокленович — Бўзатов туманидаги “Бўзатов” давлат ўрмон хўжалиги чўпони, Қорақалпоғистон Республикаси

Якуббоев Одилжон Обиджонович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

Якубов Бахрамбек Бобожонович — “UzAuto Motors” акциядорлик жамиятининг Хоразм вилояти филиали йиғув цехи бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 25 август

САЙЛОВ—2021



Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси, Ўзбекистон Қахрамони, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Марказий сайлов комиссияси жорий йилнинг 24 октябрини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгиллаганидан ва 23 июлдан сайлов кампанияси бошланганидан буён бир ой ўтди. Айтиш керакки, сайлов кўпнинг сазй-ҳаракати билан амалга ошириладиган муҳим сиёсий тадбир. Кўпнинг қўланкаси ҳам олтин, дейди доно халқимиз. Бу кўпнинг аҳлилиги, ҳамжиҳатлиги ва ғайрати билан амалга ошадиган ишда барака мўл бўлади, дегани.

ТАХЛИЛЧИЛАР ҲАЙРАТИ

Ўтган йили аҳли олам бошига тўсатдан коронавирус деган офат ёлганда, ҳали инсоният бу “кўз илғамас ёв”нинг табиатини англай олмай, унга қарши муносоиб чора тополмай, саросимада турган кезларда ҳам дунёнинг кўплаб мамлакатларида президентликка, парламентга ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар, шунингдек, референдумлар ўтказилди. Энг қизиғи, инсон саломатлиги учун ўта хатарли кунларда ўтган уша сайловларда талай мамлакатларнинг аҳолиси одатдагидан кўра фаолроқ иштирок этгани халқро таҳлилчиларни ҳайратга солди. Бу эл бошига иш тушганда инсонга хос аҳиллик ва ҳамжиҳатлик туйғуларининг қучайиши билан bogʻлик.

2020 йил апрель ойининг биринчи ярмида Корея Республикаси Миллий Мажлисига бўлиб ўтган сайловда муддатидан олдин овоз беришда фуқаролар рекорд даражада — рўйхатга олинган сайловчиларнинг қарийб 27 фоизи иштирок этди.

Инфекция хавфи туфайли деярли барча давлатларда бўлгани каби, Польшада ҳам локдаун — фавқулодда ҳолат эълон қилиниб, аҳолининг кўча-кўйга эмин-эркин чиқиши ва юриши кескин чекланган эди. Шунга қарамай, 2020 йил 28 июнь куни ўтган Президент сайловининг биринчи туридаёқ сайловчиларнинг овоз беришдаги фаоллиги бўйича Польша тарихида рекорд ўрнатилди — 64,5 фоиз кайд этилди.

2020 йилнинг 10 июль куни Сингапурда ўтган парламент сайловида эса рўйхатга олинган сайловчиларнинг қарийб 96 фоизи иштирок этди. Бу ҳам мамлакат тарихидаги ўзига хос рекорд-дир.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, Сайловларни кузатиш бўйича ташкилотлар Европа тармоғининг (ENEMO) маълумотларига қараганда, шу пайтгача пандемия шароитида сайлов ўтказган бирорта давлатда (таъкидлайман: бирорта!) сайлов муносабати билан аҳоли ўртасида коронавирс юқиш ҳолатлари кўпайгани қайд этилмаган.

Президент сайловиغا қизгин ҳозирлик қўраётган Ўзбекистонда ҳам сайловни юртдошларимизнинг саломатлиги қатъий муҳофазга қилинган ҳолда, хавф-хатардан холи, миллий сайлов қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқро сайлов стандартларига биноан ҳамда карантин талаблари асосида очик-ошқора ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилмоқда, десак айни ҳақиқатни айтган бўламыз.

ҒАЛАБАНИНГ ИБТИДОСИ

Инсоният пандемия шароитида яшашга ва унга қарши курашишга аста-секин кўникиб, мослашиб бормоқда, деб таъкидлаётган олимлар ҳақ. Бу — табиий. Негаки, инсоният пандемиядан қачон бутунлай ҳолос бўлиши ёки коронавирснинг яна қандай ривожланиши-ни бугунгача, нафақат манаман деган

фозили фузало, ҳатто Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотидек нуфузли халқро тузилма ҳам аниқ айта олмаётир. Дарднинг югуриб келиб, эмаклаб кетиши маълум. Лекин излаган доим имкон топади. Аҳолини коронавирсга қарши ялли эмлаш — пандемияга қарши қурашдаги энг муҳим ғалабанинг бошланиши. Буни халқро ва миллий тажриба аниқ-тиниқ кўрсатиб турибди.

Бироқ бундай муваффақиятларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Табиийки, бугун юртдошларимиз ялли эмланаётган вакциналар ҳам ўз-ўзидан келаётгани йўқ. Бу давлат хазинасидан ажратилаётган миллиард-миллиард маблаг демакдир.

Мен шифокор сифатида тиббиёт аҳли ўртасида машҳур бир қондани эслатмоқчиман: профилактика, яъни касалликнинг олдини олиш учун сарфланган бир сўм, хасталикни даволаш

инсон организмни эгаллай бошлайди. Вақтида олди олинмаса, санокли кунлар эмас, соатларда ҳам одамни “йқитиши” мумкин. Бундай пайтда на дори-дармон, на бошқа муолажа кор қилиши мушкул.

Шуқрки, мамлакатимизда бу борадаги вазият қатъий назоратга олин-

тишладан не наф”. Аспиди, киши ўз саломатлигини асраши учун кўп вақт ҳам, харажат ҳам талаб этилмайди.


Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилаётганини кўриб-билиб турибмиз. Давлатимиз коронавирс-ни жиповлаш, COVID-19 инфекция-



БУЮК ИМКОНИЯТ

Пандемия шароитида сайлов ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари нимада?

ган. Давлатимиз томонидан барча зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Ўз ишининг фидойиси бўлган шифокорларимизнинг коронавирсга қарши қурашдаги тажрибаси ҳам анча ошгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Лекин коронавирснинг янги хиллари ҳаво-томчи йўли орқали инсондан инсонга юқиш хавфи унинг аввалги турларидан анча баландлигини эътибордан асло соқит қилиб бўлмайди. Олимларнинг далолат қилишларича, аввалги штамм билан хасталанган бемор касалини ўртача икки-уч одамга юқтирган бўлса, вируснинг янги турларига қалинган хаста камида беш-олти инсоннинг соғлиғига зиён етказайди.



Миллий давлат мустақиллигининг 30 йиллик шонли байрамини кенг нишонлашга ҳозирлик қўраётган халқимиз истиқлол байрамини барча соҳаларда улкан натижалар билан кутиб олмоқда. Қўлга киритилаётган бундай улкан муваффақиятлар Янги Ўзбекистонимиз Президент сайловидан кейинги даврда янада қучли, янада замонавийлашган, иқтисодиёти янада ривожланган, халқро нуфузи янада юксалган, фуқароларининг истиқбола ишончи янада ортган, истиқлол қуёши янада ёрқин чарақлаган мамлакатга айланади, дейишимиз учун асос бўла олади.

БУЮК ИНСОНПАРВАРЛИК МИССИЯСИ

Бундай қалтис вазиятта тушмасликнинг йўллари энди аниқ. Энг аввало, карантин талабларига қатъий амал қилиш лозимлигини яна эслатиш шарт бўлмаса керак. Эмланганлар сони-салмоғи тобора ошиб бораётган бўлса-да, тиббий никоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, биноларни мунтазам шамолаттиш, гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим.

Буни энди ҳаммамиз биламиз. Биламиз-у, шу оддий, аммо ғоят муҳим амалга ошириш панжа орасидан қараймиз. “Худо ўзи асрасин”, деб қўя қоламиз. Яратган ҳам ўзини эҳтиёт қилганини асрайди!

Коронавирсга қарши вакцина билан имкони борича тезроқ эмланиш эса бугун хасталикка қарши энг муҳим чоралардандир. Ҳозир юртдошларимиз олаётган барча вакциналар инсонни коронавирснинг мавжуд штаммларидан ишончли ҳимоя қила олади. Эътибор беринг: барча туридан! Коронавирсга қарши эмланиш касалликнинг нохуш ва оғир асоратларидан, энг муҳими, ўлимдан асрайди.

“Қўлпамнинг латофати кўпинча қишда билинади”, дейди улуғлар. Афсуски, биз ҳам аксарият ҳолларда саломатлигимизнинг қадрига бегоблиқда ета бошлаймиз. Хасталик ўз заботига олганидан кейин “пушаймонлик бармоғини

сига қалинган беморларни аниқлаш ва даволаш, профилактика қилиш билан bogʻлик барча харажатларни ўз зиммасига олди. Бу буюк инсонпарварлик миссияси коронавирс инфекциясига қарши аҳолини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан оммавий равишда эмлаш жараёнида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда.

Эмлаш жараёнига минглаб шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари жалб қилинган. Мамлакатимиз бўйлаб минглаб эмлаш пунктлари ва ҳаракатдаги тиббий бригадалар иш олиб бормоқда.

Бугун юртдошларимиз ушбу хайрли ташаббусларнинг ҳосиятию фойдасини ўзида ҳис этаётганидан мамнун. Саломатлиққа доимий интилиш ҳар бири-

чиқипаётган мажлисда сайловчиларимиз энг асосий сўзни мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг тажрибали мутахассисларидан эшитиши тўғри бўлади. Шундан келиб чиқиб, кенгайтирилган мажлисда Республика санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбарининг ўринбосари Ботиржон Қурбоновнинг маърузаси тингланди. Ишининг кўзини биладиган тажрибали мутахассис сифатида маърузачи пандемия шароитида сайлов ўтказиш бўйича Ўзбекистонда муайян илмий, ҳуқуқий ва амалий тажриба шакллантирилганини алоҳида таъкидлади.

Ўтган бир ярим йил мобайнида Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва экспертлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари иштирокида қатор халқро онлайн конференциялар уюштирилиб, пандемия шароитида сайлов

каби оммавий тадбирларни ўтказишга доир тақлифлар маъқуллангани улуғ иш бўлди. Бунда сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда иштирокчилар ўртасида ижтимоий масофани сақлаш, тиббий никобда бўлиш, антисептик воситалардан фойдаланиш каби санитария-гигиена ва карантин талабларига риоя этишга ҳамда учрашувларга тақлиф этилаётган фуқароларнинг коронавирс инфекциясига қарши эмланганлигига эътибор қаратиш тавсия этилди.

Айни пайтда, сайловлар жараёнининг кўп иллик бевосита иштирокчиси сифатида ишонч билан айта оламани, сайловолди ташвиқотига ёндашувлар йилдан-йилга ўзгармоқда. Пандемия сабаб халқимиз ҳаётига замонавий ахборот технологиялари янада кенг ва шитоб билан кириб келди. Бугун дунё мамлакатларида нуфузли халқро анжуманлар, парламентлар сессиялари, ҳатто спорт мусобақалари ҳам онлайн шаклда, массофадан ўтказилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Буни ҳам халқро, ҳам миллий тажриба яққол кўрсатиб турибди. Сиёсий партиялар аънавий усуллар билан бирга, рақамли технологияларнинг кенг имкониятларидан тобора кўп ва хўп фойдаланмоқда. Партиялар вакиллари ва номзодларнинг сайловчилар билан юзма-юз учрашувлари аҳолини кенг қамраб ололмаслиги маълум. Шу боис, пандемия шароитида сайловолди ташвиқотида телевидение, радио, босма ва интернет нашрлар, плакат ва баннерлар янада муҳим аҳамият касб этиши табиий.

“Ижтимоий фикр” нодавлат жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган сўров натижасида сайловчилар Президент сайловиға доир янгликлар ва ахборотларни кўпроқ қайси манбалардан билиб олиши маълум бўлди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ахборотнинг энг серталаб манбаси — Ўзбекистон давлат телевидениеси. Сўров иштирокчиларининг 68,9 фоизи сайловга тайёргарлигининг бориши ҳақидаги ахборотларни, асосан, телевидениедан олади. Бу борада интернет иккинчи ўринни (33,5 фоиз) эгаллади. 25 фоиз респондентлар учун нодавлат телевидение каналлари ахборотнинг асосий манбаси ҳисобланади.

УЛКАН СИНОВ

Пандемия шароитида сайловда овоз бериш сайловчилар учун ортиқча ташвиш тугдирмайди. Улар сайлов кампанияси бўйича ўтказиладиган тадбирларга ва овоз бериш куни сайлов участкасига келганлариди карантин талабларига биноан бир марталик ҳимоя никобини таққан бўлсалар ва ўзаро оралик масофани сақласалар бас. Бинога, хусусан, сайлов участкасига киришдан олдин сайловчиларнинг ҳароратини ўлчаш, қўлини антисептик воситалар билан зарарсизлантириш имконияти яратилади. Сайлов участкалари ва овоз бериш кабиналари мунтазам дезинфекция қилиб турилади. Тиббиёт ходимларининг навбатчилиги ташкил этилади.

Энг муҳими, барча округ ва участка сайлов комиссиялари сайлов кампанияси учун ажратилган давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан ҳимоя ва дезинфекция воситалари билан тўла таъминланади.

Барча даражадаги сайлов комиссиялари аъзолари комиссия ишиға жалб қилинишидан аввал тиббий қўриқдан ва коронавирс инфекцияси бўйича лаборатория текширувидан ўтказилади. Коронавирсга қарши вакцина билан эмланади.

Сиёсий партияларнинг сайловолди тадбирлари, номзодларнинг учрашувлари ва бошқа тадбирлар пандемия шароитида видеоконференцалоқа тарзида, зарурат бўлганда эса очик жойларда ёки ёпиқ бино симғининг 50 фойиздан ортаган ҳолда (биттадан ўриндик ташлаб ўтириш тартибида) ташкил қилиниши тавсия этилади.

Президент сайловининг мамлакатимизда мустаҳкам қарор топган тинчлик ва осойишталикда, халқимизга хос баррикенилик ва олижанонлик, меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат, сиёсий-ҳуқуқий маданият, қадимий аъналаримизга мос муҳитда ўтиши учун барча шароитлар яратилмоқда.

Президент сайлови — мамлакат аҳли учун улкан синов, буюк имконият. Юрт аҳлида Ватан тақдирига дахлдорлик тўғриси баланд бўлса, халқнинг ҳамжиҳатлиги ва сайловчиларнинг фаоллигиға пандемия билан bogʻлик муаммолар асло монелик қила олмайд.

Миллий давлат мустақиллигининг 30 йиллик шонли байрамини кенг нишонлашга ҳозирлик қўраётган халқимиз истиқлол байрамини барча соҳаларда улкан натижа билан кутиб олмоқда. Қўлга киритилаётган бундай улкан муваффақиятлар Янги Ўзбекистонимиз Президент сайловидан кейинги даврда янада қучли, янада замонавийлашган, иқтисодиёти янада ривожланган, халқро нуфузи янада юксалган, фуқароларининг истиқболға ишончи янада ортган, истиқлол қуёши янада ёрқин чарақлаган мамлакатга айланади, дейишимиз учун асос бўла олади.

ЮКСАК ИШОНЧ

Республика махсус комиссияси яқинда қабул қилган қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Президентлигиға номзодлар ва сиёсий партиялар учун сайловчилар билан учрашувлар



Акмал САИДОВ,
академик

Энг муҳими, янги нашр ўзининг “Янги Ўзбекистон” деган жарандор номига ҳар томонлама мос ва муносиб. Шу ўринда китобнинг номланишига яна бир бор эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, халқаро тажрибада жаҳон сиёсий лексиконини (атамашунослигини) янги тушунчалар билан бойитадиган давлат ва жамоат арбоблари кам топилишини таъкидлаш лозим. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” тушунчасини дунё сиёсати луғатига киритгани беқиёс аҳамиятга эга.

Янги Ўзбекистон — бу ибора Миллат етакчиси илгари сурган ва бүгунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган эзгу ғоядир. Бу ғоя замирида: **бир томондан**, бүгунги ва эртанги авлодларимизнинг **“Учинчи Ренессанс”** пойдеворини қўйишдек эзгу мақсад-муддаолари;

иккинчи томондан, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи Ўйғониш давларига асос солган улўғ аждодларимиз, аллома болобаримизнинг орузинтилишлари ва армонлари;

учинчи томондан, бунёдкорлик, яратувчанлик, ҳар доим ўқиш ва изланишга даъват ўз мужассамини топган.

“Янги Ўзбекистон” китоб-альбомининг “Инсон ҳуқуқлари — энг олий қад-

Янги Ўзбекистон зафарномаси

Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб “Янги Ўзбекистон” китоб-альбоми чоп этилди.

Асар ўзбек (кирилл ва латин алифбосида), рус ва инглиз тилларида, матбаачилик жиҳатдан ўзига хос дизайн ва юқори сифатда нашрдан чиқарилган. Унда истиқлол йилларида, айниқса, кейинги беш йилда юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида амалга оширилган ва оширилаётган улкан ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.

рийат” деб номланган алоҳида бобидаги мухтасар кириш сўзида айни шу ҳақда сўз боради. Мазмунли ва ранг-баранг фотосуратларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари нечоғлиқ таъминланаётгани ўзининг яққол ифодасини топган.

Ўзбекистон илк бор 2021–2023 йилларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланди ва шу йил 1 январидан аъзолик мақомидаги вазифаларини фаол бажаришга киришди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг олий минбаридан туриб ўзбек тилида илгари сурган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланган миллий, минтақавий ва халқаро ташаббуслари изчиллик билан рўйбга чиқарилмоқда.

Кейинги йилларда БМТ, ЕХХТ, Европа Иттифоқи, Парламентларо Иттифоқ, шунингдек, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, ШҲТ, МДХ каби кўплаб халқаро ташкилотлар ва жаҳоннинг деярли барча давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларимиз юксак поғонага кўтарилди. Бу ўтган тарихан қисқа даврда юртимизнинг жаҳон миқёсидagi сиёсий ўрни ва обрў-эътибори кескин ошганидан далолат беради.

Дунёда янги Ўзбекистонга нисбатан қизиқиш, интилиш ва ишонч руҳи, мамлакатимиз билан ҳамкорликка эришишга рағбат таъминлашга қўлайди. Шунини алоҳида таъкидлаш кераки, Ўзбекистон Президентига халқаро ҳамжамиятнинг ишончи жуда юқори ва бу ишонч

тобора ортиб ҳамда мустақамланиб бормоқда.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясида, коронавирус шароитига қарамай, 40 дан ортиқ давлатдан 150 дан зиёд вакил иштирок этгани ҳамда ўндан ортиқ нуфузли ташкилотнинг раҳбарлари онлайн тарзда фаол қатнашгани бу фикримизнинг яна бир исботидир.

Бу ютуқларнинг барчасига, албатта, бундан 30 йил олдин халқимиз қўлга киритган асосий ҳуқуқимиз — Мустақиллик туфайли эришмоқдамиз. Бинобарин, бундан ўттиз йил олдин мустақиллик шу озод юрда яшайдиган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг тўла таъминланиши кафолати бўлиб майдонга чиқди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Янги Ўзбекистон — демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бора-сида умумэътироф этилган меъёр ва тамойилларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланидиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир”**.

Мухтасар айтганда, бир томондан, янги Ўзбекистон жаҳон сиёсатининг фаол аъзосига айланган бўлса, иккинчи томондан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида бемисл самараларга эришмоқда. Кейинги беш йилда Ўзбекистон давлати нафақат дунёга, балки халқимизга ҳам кенг очилди.

Яъни, давлат ташкилотлари ва мансабдор шахслар оддий одамлар томон юз бурди. Натижада юртдошларимиз бевосита гувоҳи бўлаётган афв этиш, “қора рўйхат”дан чиқариш, фуқаролик бериш, “прописка”ни бекор қилиш каби кўплаб янгиликлар мисолида инсон ҳуқуқлари рўйбени амалда кўрмоқдалар.

Китоб-альбомнинг “Ўттиз йиллик мураккаб ва шарафли йўл”, “Янги Ўзбекистон — миллий тараққиётнинг янги босқичи”, “Давлат идоралари халқимизга хизмат қилмоқда”, “Инновацион асосда қайта қурилаётган иқтисодиёт”, “Янги Ўзбекистонни азму шижоатли ёшларимиз билан биргаликда қураамиз”, “Халқ ва армия — бир тану бир жондир”, “Маънавият — Янги Ўзбекистон пойдевори”, “Ўзбекистон ва жаҳон” сарлавҳалари билан номланган бошқа барча боблари ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайдиган ёрқин фотолар билан безатилган.

Янги Ўзбекистон меъмори ва ташаббускори ҳисобланувчи Президентимизнинг сўзлари билан айтганда: **“Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишлари-га мос, унинг миллий манфаатлари-га тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”**.



“**“Янги Ўзбекистон” китоб-альбоми эл-юртимизнинг улўғ тўйи — Истиқлолимизнинг 30 йиллигига муносиб ва мўъжаз тўёнадир. Чунки, янги нашр — Ўзбекистон мустақиллиги 30 йиллигининг салмоқли солномаси ва янги Ўзбекистоннинг ўзига хос зафарномасидир.**”

Шу маънода, бундан беш йил олдин қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида ўз олдимизга янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифаларни стратегик мақсад қилиб қўйганимиз бежиз эмас. Янги китоб-альбом биз интилаётган эзгу ғоя туфайли ҳаётимизнинг турли соҳаларида қўлга киритилаётган юксак самараларнинг ўзига хос тасвирий-ҳужжатли тасдиғидир.

Хулоса қилиб айтганда, “Янги Ўзбекистон” китоб-альбоми эл-юртимизнинг улўғ тўйи — Истиқлолимизнинг

30 йиллигига муносиб ва мўъжаз тўёнадир. Чунки, янги нашр — Ўзбекистон мустақиллиги 30 йиллигининг салмоқли солномаси ва янги Ўзбекистоннинг ўзига хос зафарномасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, китоб-альбомнинг электрон версияси ва мобиль-иловаларини ҳам ишлаб чиқишни тақдир этишимиз. Фикримизча, янги ўқув йили бошида — 1 сентябрь куни ўтказиладиган Мустақиллик дарслари доирасида ушбу китоб тақдироти ҳам ташкил этилса, унинг маъно-мазмунини кенг жамоатчиликка етказиш имкониятлари янада ортади.

ҚАРИЙБ ЮЗ ЙИЛДАН КЕЙИН ҚАРОР ТОПГАН АДОЛАТ

Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари, яъни бундан юз йил муқаддам кўплаб ота-боболаримиз, ҳатто момоларимиз юрт эркини қалбига жо айлагани учун турли баҳоналар билан қораланиб, авахталарга тикилган. Жуда кўпчилиги отувга ҳукм қилинган.

Ачинарлиси, ўз Ватанида яшаган, меҳнат қилган ўша инсонларга “босмачи” тамғаси босилган. Ваҳоланки, улар ҳеч қаврдан келиб бу юртни босмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида ўтган асрнинг 30-йилларида турли айбловлар билан қамалган, отувга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан чиқарилган суд қарорлари апелляция судида қўриб чиқилар экан, юқоридagi каби ҳақли, оғриқли фикрлар жангладди.

Сир эмас, жуда кўп фильмларда босмачиларни ваҳший одамлар сифатида қўрсатиб, уларга нисбатан бир неча авлодда нафрат уйғотилган. Ваҳоланки, улар мана шу тупроқ учун қайғурган, уни босқинчилардан озод қилишга тирিশган чинакам ватанпарвар болобаримиз эди.

Энг улўғ, энг азиз байрам — мустақиллик арафасида ана шундай болобаримиз шаъни, номини оқлашга қаратилган эзгу ишлар эса Президентимиз Шавкат

Қатагон қурбонларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

“Йўл харитаси”нинг 5-бандида қатагон қурбонларининг номларини аниқлаш борасида изланишлар қўламини кенгайтириш учун масъулларга вазирлик ва идораларнинг идоравий архивларидан фойдаланиш имкониятини яратиш масаласи белгиланган.

10-бандида эса илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида қилинган, айрим сабабларга кўра реабилитация қилинмай қолиб кетган қатагон қурбонларини номларини оқлаш юзасидан белгиланган тартибда тақдирлар киришти белгиланди.

Қатагон қурбонларининг реабилитацияси бўйича масала ўрганиб чиқилди ҳамда Республика ишчи гуруҳига тақдирлар қўриб чиқиш учун юборилди.

Олий суд раисининг 2021 йил 9 фев-

даврида қатагон қурбони бўлган ва ҳозирги кунга қадар оқланмаган шахсларнинг рўйхати тақдим қилинди.

Мазкур шахсларнинг етти нафарига нисбатан жиноят ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг архивда сақланаётганлиги аниқланиб, жиноят ишлари қачиртирилган.

Олий судга 2021 йил 24 февралда 115 нафар шахсга нисбатан 6 та жиноят иши келиб тушган бўлиб, улар ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилган.

Мазкур жиноят ишларида суд мажлиси баённомаси ёки суд ҳужжатлари (ҳукм ёки бошқа қарор) мавжуд эмаслиги, ишларда фақатгина Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ)нинг учлик мажлиси баённомасидан кўчирма борлиги аниқланган.

Жумладан, Носирхон Тўра ва бошқаларга оид (92 нафар шахсга нисбатан) жиноят иши юзасидан:

1930 йил 27 октябрдаги суддан ташқари БДСБнинг учлик мажлиси баённомаси кўчирмасига кўра, Мансурбай Ширғазиев, Мат Ибрагим Урунбаев, Джурабай Қары Мир Исхаков, Тохтасун Балтабаев, Хамра Ходжа Малля Ходжаев, Аббасхан Қары Азиз Ходжаев, Халимрза Умурзаков, Ходжибай Абдубаев, Акрамхан Тўра Малля Ходжаев, Мухаммадиев Ахмадша, Хасанбай Рустамов, Абду Гани Садыкбаев — Ўзбекистон ССР ЖКнинг 78, 14-78 ва 67-моддалари билан отиб ташланган.

Абдужалил Маматшаев, Мулла Фазыл Бабамухамедов, Мулла Нугман Каримов, Мулла Сабит Ташматов, Мадат Бабакулов, Раимбай Урумбаев, Мулла Усман Қары Дадабаев, Юлдашев Мулла Тажидбай — 10 йил муддатга, Мулла Исраил Садыкбаев, Мама Закир Шукурбаев, Мулла Турды Аширматов, Абдухалил Абдуразақов, Мухамед Садык Махмудбаев, Алляхан Абдулла Ходжаев — 8 йил муддатга, Хасан Хан Насырхан Тўраев, Абдулла Қары Катта Шейхов — 6 йил муддатга, Қурбанбай Юсупбаев, Мулла Джурабай Бачебаев, Имам Али Қасымбаев, Мамед Али Саид Муратов, Ахмед Али Саид Муратов, Дамулладжан Абулкасымов, Мулла Алихан Азизбаев, Абдул Ахад Нишанбаев, Сайдулла Мақсудов, Дада Ходжа Аппак Ходжаев, Мат

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ – МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА АНА ШУНДАЙ БОБОЛАРИМИЗ ШАЪНИ, НОМИНИ ОҚЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЭЗГУ ИШЛАР ЭСА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ 2020 ЙИЛ 8 ОКТЯБРДАГИ “ҚАТАГОН ҚУРБОНЛАРИНИНГ МЕРОСИНИ ЯНАДА ЧУҚУР ЎРГАНИШ ВА УЛАР ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОЙИШИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Ибрагим Баратбаев, Мулла Абдулхай Қары Дадабаев, Зикрия Ходжа Акрамханов, Абдухалик Абдуғафаров — 5 йил муддатга концлагерда озодликдан маҳрум қилинган.

Шунингдек, Ходжам Берды Мадаминов, Каримбай Саидбаев, Рахматулла Абду Вахабов, Аскар Али Абдувахабов, Абдурахман Тапилядыбаев, Мухамедша Қаноатшаев, Тўрабай Кадыркулов, Хашимбай Ҳакимбаев, Мамарасул Тўрабаев, Ата Мирза Абдурахимов, Мулла Абдуқадир Мамад Каримов, Пайзайбай Усманов, Саидбай Устабабаев, Нуретдин Қары Асадуллаев, Мулла Аскар Назарматов, Сайфетдин Қары Абдуқалилов, Бахрам Мақсудов, Инамджан Қары Мухамед Аминов, Абдулладжан Қары Мадримов, Мулла Ахмад Али Абду Фаттахов, Балтабай Уразалиев, Мулла Мумин Рустамов — 3 йил муддатга, Исакджан Алибаев, Исаметдин Ходжи Нурмамедов, Мулла Дада Мирза Абдуваҳидов, Мулетдин Шайдахан Ходжаев, Исанбай Уразбаев — 1 йил муддатга концлагерда озодликдан маҳрум қилинган.

Ходжихан Мулла Каримбаев, Дадажан Абул Қасимов, Имамхан Мумин Ходжаев, Баба Мухамед Дададжанов, Шукурбай Шир Алиев, Абдулла Бай Мансурбаев, Халмамад Устабабаев, Илмиямин Юсупбаев, Узакбай Лолақриев, Акбар Ходжи Абду Вахабов — Ўзбекистон ССР ЖКнинг 58, 67, 78, 14-78-моддалари билан уларнинг БДСБ учлик мажлисига қадар қамқода сақланган вақтини ҳисобга олиб қамқодан озод қилинган.

Мавжуд иш материалларидан аниқланишича, ушбу жиноят ишида айбланувчи тарқасида ўтган барча шахслар ҳибсга олинган, дастлаб айбловни инкор қилиб келган бўлса-да, сўнг таъйинлар остида айбларига иқроқли билдириб, қўрсатув берганликлари сўроқ баённомасида ўз ифодасини топган, уларнинг ўртасида юзлаштириш ўтказилмасдан, фақат берган қўрсатувлари ишга тикилган.

Ибрагимбек Чакабаев ва бошқаларга оид (16 нафар шахсга нисбатан) жиноят иши юзасидан:

БДСБнинг 1932 йил 13 апрелдаги баённомасидан кўчирма мавжуд. Бирок ОГПУнинг ҳукми мавжуд эмас: 1932 йил 13 апрелда Ибрагим бек Чакабаев, Абдуқамол Парваначи Улаев, Ишан Исахан Мансурханов, Алимардон Датхо Мухамедов, Сулайман Салахутдинов, Кур Артык Аширов, Мулла Нияз Парваначи Ҳакимов, Мулла Ахмад Али Саидов, Ташмат Ходжа Бердиев, Азим Марка Астанакүлов, Қуганбек Ширалиев, Шахсан Иманқулов, Мирзақамол Черов, Қуган Кенджаев, Алят Палван Ильмирзаев, Ишан Палван Бахадур Задега оид жиноят иши ОГПУ томонидан қўриб чиқилиб, отиб ўлдириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Мазкур жиноят иши суд томонидан қўриб чиқилганга, жиноят ишида суд ҳукми ёки баённомаси мавжуд эмас.

Терегулов Осман Игматулович ва бошқаларга оид (4 нафар шахсга нисбатан) жиноят иши юзасидан:

Маъмурий сурғун қилиш Комиссиясининг 1922 йил 5 мартдаги қарорига кўра, Терегулов Осман Игматулович, Юнгеров Александр Васильевич, Муратов Исхон Мирза Абдурахимов ва Гайнулин Загидуллула Гайдулоевич ЖК 60-моддасига асосан айбдор деб топилди, О.Терегулов 3 йил концлагерда, А.Юнгеров 2 йил концлагерда жазо ўташи белгиланган.

И.Муратов ва З.Гайнулин жавобгарликдан озод қилиниб, Туркистон, Башкирия, Татаристон ва Кавказ Республикаларида яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Хоразм Республикаси фавқулоддаги

сессияси Олий революция трибунали томонидан 1922 йил 18 ноябрь куни ЖК 40-моддасига асосан Терегулов Осман Игматулович, Юнгеров Александр Васильевич, Муратов Исхон Мирза Абдурахимов ва Гайнулин Загидуллула Гайдулоевич отишга ҳукм қилинган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари алоҳида иш қўритувга ажратилган.

Даминов Латифга оид жиноят иши юзасидан:

СССР Олий суд ҳарбий ҳайъати сайёр судининг 1938 йил 15 октябрдаги ҳукмига кўра, Л.Даминов отишга ҳукм қилиниб, мол-мулки мусодара қилиниши белгиланган. 1938 йил 15 октябрдаги маълумотномага кўра, Даминов Латифни отиш ҳақидаги ҳукм ижроси амалга оширилганлиги қўрсатилган.

Султанов Гафурга оид жиноят иши юзасидан:

1930 йил 27 октябрдаги Марказий Осиё Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ) Мухтор вакили қошидаги Учлик кенгаши қарори билан Ўзбекистон ССР ЖК 58-модда 2-қисми (қуролли тўдалар, совет ҳудудига қуролли қўзғолол ёки аксилнқилобий мақсадларда бостириб келиши) ва 59-модда 3-қисми (Чет эл давлатлари билан аксилнқилобий мақсадларда алоқада бўлиш) бўйича айбдор деб топилган ва отувга ҳукм қилинган.

Қирамов Кивамга оид жиноят иши юзасидан:

СССР Олий суди ҳарбий ҳайъатининг 1938 йил 9 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖК 58, 64 ва 67-моддалари билан К.Қирамов отувга ҳукм қилиниб, барча мол-мулки мусодара қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан юқоридagi қўрсатилган жиноят ишлари юзасидан тегишли тартибда Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига протестлар келтирилган.

2021 йил 25 август куни ушбу жиноят ишлари Олий суд раиси ўринбосари Иқром Муслимов раислигида ўтказилган очик суд мажлисида қўриб чиқилиб, келтирилган протестлар қаноатлантирилди. ЖКнинг 83-моддасига асосан жами 6 жиноят иши бўйича 115 нафар шахс оқланди.

Орадан қарийб юз йил ўтиб адолат қарор топди!

Мустақиллик йўлида фидокорона қураш олиб борган, ҳатто ўз жонини фидо қилган қатагон қурбонларининг пок номлари халқимиз қалбига мангу яшайди.

“**Фармойиш асосида Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Республика ишчи гуруҳи тузилди. Қатагон қурбонларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.**”

Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши асосида амалга оширилмоқда.

Фармойиш асосида Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Республика ишчи гуруҳи тузилди.

ралдаги фармойишига биноан муайян сабабларга кўра реабилитация қилинмай қолиб кетган қатагон қурбонларининг номларини оқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш масалалари бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида ишчи гуруҳи тузилган.

Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи директори, Республика ишчи гуруҳи аъзоси Бахтиёр Ҳасанов томонидан 2021 йил 7 январь куни мустабид тузум

ФАРҒОНА МЎЪЖИЗАЛАРИ



Алишер ИБОДИНОВ, ёзувчи, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиб

Олам узра донғи кетган Олтиариқ

Шу йил ёз фасли ўрталарида Олтиариқ тумани шаҳарча ва қишлоқларини Ўзбекистоннинг барча туманларидан келган турли даражадаги раҳбар ходимлар тўлдирди. Уларнинг айримлари меҳмонхоналарда, кўплари эса оддий хонадонларга қўнишди. Ватанимизнинг барча ҳудудлари вакиллари нечун бу юрда тўпланишди? Сабаби оддий, Президентимиз уларни Олтиариқда томорқалар, боғ ва боғчалар, кичик ер участкаларидан унумли фойдаланишни ўрганиш, кейин бу тажрибани ўзлари истиқомат қиладиган ҳудудларда қўллаш учун йўллаган эди.

Ушбу семинар-тренингда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан беш юз нафардан зиёд вакил иштирок этди. Она юртимиз тарихида ҳали бундай тадбир ўтказилмаган. Олтиариқ фарзанди бўлганим учун, аввало, қалбим ифтихорга тўлди. Сўнг бироз муддат ўйландим. Олтиариқ қандай жойки, унинг томорқачилик соҳасидаги тажрибасига шундай улкан эътибор қаратишмоқда.

Аввало, таъкидлаш керак, бу туман олдин водийнинг асосий сув манбаларидан олисда жойлашган. Илгари у фақат Шохимардонсойдан сув ичган. Бу сув эса Шохимардондан Водил қишлоғига етиб келган, иккига ажралган ҳамда унинг асосий тармоғи Марғилон шаҳри томонга бурилиб кетган. Ҳозирда Олтиариққой деб юритиладиган кичик ўзани эса Чимён, Хонқиз қишлоқларидан ўтиб, Қапчуғай дарасида баланд кирга урилиб тўхтаган. Пайдо бўлган табиий сув омбори сувлари эса қир-тўғон атрофларидан ўтиб, ҳозирги Олтиариқ тумани ерларини суғорган. Лекин бу дара ҳамиса Олтиариқ қишлоқлари учун катта сел хавфини туддириб келган.

Қўқон тахтида энг узок ўтирган хонлардан бўлиши Норбутабий замонларида табиий тўсқич — тўғон халқ ҳашари усулида қазилиб, сув йўли очилади. Янги пайдо бўлган ўзанини эса опитта ариққа бўлишади, сув бир маромда бу ариқларга тарқатилади. Кейинчалик шу ариқлар орқали суғорилган ҳудуд Олтиариқ дея номланади. Лекин у барибир кам сувли ҳудудлардан ҳисобланиб қолаверган. Шу боис, ҳайдаладиган ерларда сувни кам талаб этадиган резаворлар ва

дарактлар парваришланган. Болалик давримизда қишлоғимизда асосан сувсизликка чидамли бодом дарахти кўп экилганини эслайман. Ўтган асрнинг 40-50 йилларида қазилиб, ишга туширилган Жанубий Фарғона ва Сўх-Шохимардон каналлари Олтиариқни сувга сероб этди. Деҳқонлар ўз томорқасида бир йилда уч марта ҳосил олиши одат тусига кирди. Олтиариқликлар томорқасида эрта баҳорда бодринг экилар, у май ойи охирида тўлиқ йилгиштирилган, мавжуд жуяқларга маккажуҳори ёки оддий жуҳори қадаларди. Август ойига келиб эса жуҳори поялари ўриб олинар, ер қайта ҳайдалиб жуяқ тортилар, томорқага турп ёки шолғом уруғи қадаларди. Ноябрь ойларига турп ва шолғом йилгиштирилиб, икки метр чамаси чуқурликда қовланган ўраларга қўмиларди. Пахта йиғим-теримидан сўнг бу ўралар бирин-кетин очилиб, куз ва қиш ойларида турпу шолғомлар йирик шаҳарлар бозорларида сотиларди.

Лекин томорқанинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш тажрибаси, айниқса, истиқлолдан сўнг туманда кенг қулоч ёйди.

Эндиликда томорқалар янги навли узум қўчатлари билан тўлдирилди. Узумзор таги ҳам бўш қолмади. Олтиариқликлар тоқзорлар ерга тўлиқ соя солишга улгурмай туриб, улар остида эрталишар бодринг, помидор, қалампис ва бошқа резаворлар етиштириб бозорга чиқаришни одат тусига киритди. Бу қисқа мuddатли резаворчилик март-апрель ойларида амалга оширилади. Натижада атиги етти-саккиз сотих томорқадаги узум ва резавордан йил бўйи 50, ҳатто 100 миллион сўмлик даромад топиш Олтиариқда оддий ҳолатга кирди.

Ҳозирги пайтда туманда аҳоли хонадонларидаги 4 минг гектар ерда узум парваришланади. Бундан ташқари, томорқадан бошқа, ҳовли эгаларига тегишли, кўча ва майдонлар ташқарисидаги яна минг гектар ерда ҳам узум ҳосил бераётганим ёддан қарманг, Семинар-тренинг қатнашчилари Исоқжон Бойматов, Ҳасанбой Ғофуров каби донг таратган узумчи боғбонлар хонадонига бўлиб, уларнинг иш тажрибаси билан танишди. Айниқса, саксон ёшли Собиржон ота Мамасоттиев хонадонидagi тоқзорда ўқазилган учрашув-танишув уларда катта таассурот уйғотди. Отанинг хонадонига ҳусайин, Ризамат ота, келинбармоқ, қора шахзода, шоханак сингари йигирмадан ортиқ узум навлари етиштирилади. Улар Россия, Хитой, Бирлашган Араб Амириклари каби ўнлаб мамлакатларга экспорт қилинади. Тумандаги умумий экспорт кўрсаткичининг 30-35 фоизини узум ташкил этади. Бу ерда қишмиш каби майизбон узум навлари ҳам кўп экилган. Ҳиндистондан олиб келинган узум навларини маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш бўйича катта ишлар олиб бориляпти.

Албатта, Олтиариқ тажрибаси Ўзбекистонимизда эртагаёқ юз фоиз оммалашиб кетмас, аммо бу гўзал ташаббус ўзбек замини билан ишбилармон деҳқон меҳнати, иттифоқи қандай ижобий натижаларга олиб келишини кўрсатади. Олтиариқдаги бу тажриба нафақат Европа, Америка ёхуд Хитой деҳқончилиги, балки бутун дунё қишлоқ хўжалигида ҳам ноёб ҳодисалардан эканини таъкидлаш керак.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкил ҳавабгар.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Хору хасдан зар яратган элдир бу

Ҳа, халқ тадбиркорлигини қўллаш, унга ҳар томонлама шароит яратиш Президентимиз Шавкат Мирзиёев сийасатидаги энг етакчи йўналишлардан бири экани тараққиётимизнинг бош омилларидан бўляпти. Ўзбекистон туманилиги яқка тартибдаги тадбиркор Баҳром Сотволдиев ёзда бугдидан сўнг бўш қолган майдонларга супурги экиш ҳадисини олган. Маҳаллий ҳокимлик, фермерлар билан келишувдан сўнг у маҳалласидagi фуқаролар билан ўзаро шартнома тузиб, бугдидан бўшаган майдонларга супурги экишни амалга ошира бошлади. Албатта, супурги деганда кўз олдимизда арзимас бир буюм гавдаланади. Лекин унинг ҳам ўз усталари, миришкорлари бор. Супургини экиб, парваришлаб, йилгиштирдан тортиб, сотувга тайёрлашгача жараён анча куч ва вақтни ошади. Бир донга супурги экишдан бошлаб то пештахтага чиққунча бу маҳсулот беш бор қўлдан-қўлга ўтади. Б.Сотволдиев 100 нафардан зиёд маҳалладоши билан касаначилик борасида ўзаро келишиб, фермерлар далаларида иккинчи экин — супурги экишни йўлга қўйди. Натижада бекор қолган дала-ларда етиштирилиб тайёрланган супурги фақат ички бозорни тўлдириб қолмай, балки қўшни мамлакатлар бозорларига ҳам чиқди. Бир мавсумда бу ерда тайёрланган 5 миллион

донадан ортиқ супурги Финляндия, Молдова каби мамлакатлар савдо корхоналари пештахталарига ҳам етиб борди.

Бундай иш кўзини билиб, эл-юрт манфаати йўлида иқтисодиётни ривожлантириш учун астойдил ҳаракат қилаётганлар кўп. Улар бу борада иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги усулларидан фойдаланяпти. Данга-ранга туманида фаолият кўрсатаётган “Игитали” фермер хўжалиги раҳбари Зоир Назиров шу йил бошида ўз хўжалигида пахтачилик-галлчилик йўналишидан ортиб, қуёнчилик кластерини ташкил этди. У ўз фермер хўжалиги ҳудудидagi кластерга Италиядан 2,5 минг бош насли қуён келтириб, парваришлагча киришди. Шу тумандаги 191 та фермер хўжалигининг 134 таси ҳозирги пайтда қўл тармоқли хўжалик мақомига эга. Барча имкониятлардан фойдаланиб, ҳар қарич ердан тегишли ҳосил олиш фарғоналик учун бажарилиши лозим бурч тарзига айланганига шубҳа йўқ. Бувайда туманидаги “Бештерак” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Муҳаммаджон Йўлдошев оиласи миришкор томорқачилардан. Улар 5 сотихлик иссиқхонада 70-80 минг тул мавсумий гул етиштириб, йилгига ўртача юз миллион сўмлик даромад олади. Ўтган йили оила аъзолари маслаҳатлашиб, гул экиладиган май-

донларни кенгайтиришга келишди. Аммо хонадонда бир қарич ҳам бўш жой йўқ эди. Шунда ўзлари яшайётган иморатлари томини гулзор учун мослаштиришга қарор қилишди. Топлар очилиб экин экиш билан бирга, ёгин-сочиндан ҳимоя этиш учун зарур шароитлар яратилиб, гул экиладиган майдонлар ҳудуди яна бир сотихга кенгайди. Бешта янги иш ўрни пайдо бўлди. Топлардаги гулзорлар ҳисобига гул қўчати етиштириш янада кўпайиб, даромадлар ошди. Шу ерда эслаш лозимки, айнаи шу маҳалладаги 520 та оилда иш кўзини билиб меҳнат қилиш эвазига ерлар йилгига уч-тўрт маротаба ҳосил бермоқда.

Бу Фарғонада ерининг ҳар қаричидан унумли фойдаланишга интилишнинг бир мисоли. Дастлабки экиндан бўшаган ерларнинг ҳам таъминланган ёки ишсиз фуқароларга вақтинча фойдаланиш учун бепул берилиши қўллаб-муаммоларга ечим бўлмоқда. Шу йилнинг ўзида галла ва эртаги экинлардан бўшаган салкам юз минг гектар ер ишсиз ёшларга бўлиб берилди. Уларни уруғ, ўғит, техника, сув ресурслари билан таъминлаш учун керакли тадбирлар ўтказилди. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу йил тақрорий экинлар экиш ҳисобига вилоятда 821,5 минг тонна қўшимча маҳсулот етиштирилади.



Биргина Қува тумани боғ ва томорқаларидан шу йилнинг ўзида 26 миллион долларликдан зиёд мева-чева чет элга сотилди. Қувалик фермер Турсунали Тешабоевнинг 15 гектар боғидан олинган 20 тоннадан ортиқ гилос ҳам экспорт қилинди.

Фарғоналик ишбилармонлар фақат резаворчилик билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Риштондаги “Страус-фарм” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида Африка туяқушлари муваффақиятли парваришланяпти. Тадбиркор Мамасобирхोजи

Аҳмедов дастлаб 100 бош туяқуш боқишни бошлаган эди. Ҳозирда улар сони 200 бошга яқинлашиб қолди. Бу ўтган йили бошқаларга сотилган минг бош туяқушдан ташқари эканини таъкидлаш керак. Фермер ўз корхонасида туяқуш гўшти ва тухуми, териси, патлари, киприкларини қайта ишлашни йўлга қўйди. Маҳаллий шароитда туяқуш жўжаси етиштириш мақсадида замонавий инкубатор қурди. У яқин орада фермадаги туяқушлар сонини минг бошга етказиш ҳаракатида.

моқлари билан таъминлаш жадал олиб бориляпти. Айнаи пайтда бу тармоқларнинг ярмидан ортиғида йўл, электр энергияси, сув масалалари мутлақо ҳал этилган. Улар таркибидagi ёшларга ажратилган алоҳида ҳудудларда келажак авлод вакилларининг 817 миллиард сўмликдан ортиқ турли лойиҳалари саралаб олиниб, фойдаланишга кириштиляпти. Лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 10 823 та янги иш ўрни яратилляпти.

Бу борада, айниқса, Риштон туманида ибратли ишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Албатта, шаҳардаги оддий туяқушдан муъжиза яратётган кулоллар маҳорати дунёни ҳайратга солаётгани аниқ. Президентимизнинг бу ердаги халқаро кулолчилик марказига ташрифи, унда тайёрланган маҳсулотларни миллий қадрият сифатида баҳолаб, уларнинг ҳар бир ўзбек оиласида жой топиши ва қадрланиши ҳусусида айтган сўзлари миллий ҳунармандчилик мактабида янги даврни бошлаб берди. Ҳунармандчилик, тадбиркорликни ривожлантириш борасида қилинган ишлар самараси ўлароқ тайёрланган маҳсулот турлари кўпайиб, экспорт ҳажми ошиб бермоқда.

Шаҳардаги “Р+Корон” корхонасида етмишдан ортиқ ёш ишлайди. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган 300 дан ортиқ турдаги кулолчилик маҳсулотлари ташки бозорда жуда харидорғир. Айниқса, баландлиги 2 метр 22 сантиметр бўлган улкан қўза, диаметри 1 метр 20 сантиметр, оғирлиги 81 килограмм, бир вақтда 40 килограмм палов сиғадиган сопол товуқлар чет элликлари ҳайратга солмоқда. Шаҳардаги “Моҳи Диёр Рошидон” оилавий корхонаси шартнома асосида Грецияга 7 минг донадан ортиқ сопол лаган, қўза, гулдон каби ўзбек миллий сопол ашёларни етказиб берди.

Ҳа, Фарғона вилоятида мустақиллигимизнинг 30 йиллиғи байрами арафасида нафақат қишлоқ хўжалиги, балки санаят ишлаб чиқариш, маънавият, маданият каби йўналишларда ҳам улкан ютуқларга эришилди. Фарғона шаҳрида йилгига салкам 500 тонна нефть ва газ конденсатини қайта ишлайдиган корхона, Ўрта Осиёда дастлабки қороз ишлаб чиқариш корхонаси, Тошлоқ туманида 1 230 тонна нефть ва кокос маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган яна битта нефть заводи, асфальт-бетон ишлаб чиқарадиган улкан корхона, Бешариқнинг Адиробод кичик санаят зонасида жаҳон андозалари даражасидаги 400 ва 500 маркали цемент ишлаб чиқарадиган, умумий қиймати 200 миллион АҚШ долларига тенг “Фарғона Ясин” Хитой — Ўзбекистон қўшма корхонаси каби янги ишлаб чиқариш объектлари ишга тузилди. Янги санаят корхоналари вилоятнинг ҳар бир шаҳри, ҳар бир туманида бирин-кетин фойдаланишга топшириляпти. Вилоят иқтисодиёти ривожланипти, ишсизлик барҳам топияпти.

Июнь ойи ўрталарида қадимий ва гўзал Шохимардон қишлоғида рамзий бир воқеа бўлиб ўтди. Пулриқор тоғлар бағрида жойлашган бу маскан марказдан анча узокда, денгиз сатҳидан 3 000 метр баландликда жойлашган табиат муъжизаси. Қўли Қубон қўли атрофида илгари осма дор йўли мавжуд эди. Турли сабаблар билан бундан чорак аср илгари бу осма йўл тўхтаб қолганди. Фарғона вилояти ҳокими ва Қирғизистон ҳукуматининг Боткент вилоятидаги мухтор вакили, иккала томоннинг кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида осма дор йўли қайта ишга тузилди. Тоғлар бағридаги металл симларга осилган аравачаларда икки қардош халқ бирлашди, яна шоду хуррам йўловчилар, саёхатчилар пулриқор қоялар ва бекиёс гўзал қўқ устидан юра бошладилар. Ўзбек ва қирғиз халқлари дўстлигини тараннум қилгучи қўйиқлар тоғлар узра таралди. Бу юртимизнинг гўзал гўшаси бўлган Фарғона вилоятининг тараққиёт ва олға интилишида яна улкан ютуқларга эришувининг тимсоли эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 2724.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоши келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефон: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғаффоров

Муасхих: Асолат Шербекова

Дизайнер: Хушида Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 01:50 Топширилди — 04:15